



БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ



ISSN 3030-3877

DOI Journal 10.26739/3030-3877

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

3 ЖИЛД, 1/2 СОН

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

ТОМ 3, НОМЕР 1/2

КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

VOLUME 3, ISSUE 1/2



ТОШКЕНТ-2026

BOSH MUHARRIR: | ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР: | CHIEF EDITOR:

Sh. J. Teshayev

“Klinik fanlar yilnomasi” jurnali bosh muharriri, Buxoro davlat tibbiyot instituti rektori, t.f.d., professor

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI: | ЗАМЕСТИТЕЛЬ ГЛАВНОГО РЕДАКТОРА: | DEPUTY CHIEF EDITOR:

D. A. Xasanova

“Klinik fanlar yilnomasi” jurnali bosh muharrir o'rinbosari, Buxoro davlat tibbiyot instituti anatomiya va klinik anatomiya kafedrasida professori, DSc

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

- **U.K. Abdullayeva** - “Klinik fanlar yilnomasi” jurnali mas'ul kotibi, Buxoro davlat tibbiyot instituti fakultet va gospital terapiya, nefrologiya va gemodializ kafedrasida dotsenti, DSc;
- **M.J. Sanoyeva** - Buxoro davlat tibbiyot instituti nevrologiya kafedrasida dotsenti, DSc
- **A.G. Gadayev** - Toshkent tibbiyot akademiyasi 3-son ichki kasalliklar kafedrasida professori, t.f.d.
- **A.R. Obloqulov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti, yuqumli kasalliklar va bolalar yuqumli kasalliklari kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **D.A. Nabiyeva** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 1-son fakultet va gospital terapiya, kasb kasalliklari kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **Sh.T. O'roqov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti xirurgik kasalliklar kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **M.M. Karimov** - Respublika ixtisoslashtirilgan terapiya va reabilitatsiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi “Gastroenterologiya” ilmiy laboratoriyasi boshlig'i, t.f.d., professor
- **N.U. Narzullayev** - Buxoro davlat tibbiyot instituti otorinilaringologiya kafedrasida professori, DSc
- **G.N. Sobirova** - Toshkent tibbiyot akademiyasi reabilitatsiya va jismoniy tarbiya kafedrasida professori, t.f.d.
- **F.S. Raupov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti bolalar xirurgik kasalliklari kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **Sh.B. Axrorova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti, nevrologiya kafedrasida dotsenti, DSc.
- **V.R. Akramov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti travmatologiya va neyroxirurgiya kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **I.K. Sadulloeva** - Buxoro davlat tibbiyot instituti bolalar kasalliklari propedevtikasi va bolalar nevrologiyasi kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **M.K. Temirova** - Toshkent davlat tibbiyot universiteti, Nevrologiya va bolalar nevrologiyasi, tibbiy genetika kafedrasida assistenti PhD

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

- **G.J. Jarilkasinova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti oilaviy shifokorlarni qayta tayyorlash kafedrasida professori, DSc
- **U.S. Mamedov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti onkologiya kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **A.A. Saidov** - Buxoro davlat tibbiyot instituti ortopedik stomatologiya va ortodontiya kafedrasida professori DSc
- **N.N. Karimova** - Buxoro davlat tibbiyot instituti 3-son akusherlik va ginekologiya kafedrasida mudiri, DSc, dotsent
- **U.K. Qayumov** - tibbiyot xodimlarini kasbiy malakasini oshirish markazi ichki kasalliklar kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **M.E. Raximova** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 3-son ichki kasalliklar kafedrasida dotsenti, t.f.d.
- **R.I. To'raqulov** - Toshkent tibbiyot akademiyasi, 3-son ichki kasalliklar kafedrasida professori, t.f.d.
- **Ch.S. Pavlov** - I.M. Sechenov nomidagi birinchi Moskva davlat tibbiyot universiteti terapiya kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **L.B. Novikova** - Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining “Janubiy Ural davlat tibbiyot universiteti” federal davlat byudjet oliy ta'lim muassasasi dermatovenerologiya kafedrasida professori, t.f.d.
- **O.I. Letyayeva** - Rossiya Federatsiyasi Sog'liqni saqlash vazirligining “Janubiy Ural davlat tibbiyot universiteti” federal davlat byudjet oliy ta'lim muassasasi dermatovenerologiya kafedrasida professori, t.f.d.
- **I.V. Reverchuk** - I.Kant nomidagi Boltiq federal universiteti psixonevrologiya va psixosomatika kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **Edip Gonullu** - Izmir Bakirchay universiteti anesteziya va reanimatsiya kafedrasida dotsenti, t.f.d.
- **Eva Lietto** - Italiya Campania universiteti “Luigi Vanvitelli”ning tarjima tibbiyot fanlari kafedrasida mudiri, t.f.d., professor
- **G.S. Xodjiyeva** - Abu Ali ibn Sino nomidagi Buxoro davlat tibbiyot universitetining Ichki kasalliklar propedevtikasi kafedrasida dotsenti

Журнал включен в перечень ВАК национальных научных изданий, рекомендуемых для публикации основных научных результатов диссертаций по медицинским наукам постановлением № 369/6 от 5 апреля 2025 г.

© Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов


О журнале

Журнал зарегистрирован в Агентство информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан № С-239963 от 14 марта 2024 года

Адрес редакции: Республика Узбекистан, 200114, г. Бухара, ул. Гиждуван, 23
Телефон: +998(65)2230050
Сайт: <https://tadqiqot.uz/index.php/spjacad>
e-mail: abumkur14@gmail.com

1. Ли М.С., Аликулова Х.И., Азимова К.И. Лекарственный паркинсонизм: клинические предикторы, дифференциальная диагностика, терапевтические алгоритмы.....	6
2. Маджидова Я.Н., Азимова Н.М., Низамходжаева Ш.Б. Сурункали мия ишемияси патогенези ва клиник кечишида гипергомоцистеинемиянинг роли.....	11
3. Мамаризаев Д.Ю., Эрдонова М.Г., Журакулова Г.Ж., Мардонов М.М. Кахексия ва резекция қилинадиган ошқозон саратонида масофавий реабилитация: ҳолатлар серияси.....	17
4. Муминова М.Т., Саидова С.Г., Муминов Р.Б. Болаларда ОИВ-инфекцияси фонидаги ўткир диареяларнинг этиологик тузилмаси.....	23
5. Нарзуллаев Н.У. Цитокиновый профиль больных с хроническом гнойным средним отитом.....	31
6. Нуриддинов У.А., Фаттахов Р.А. Оценка качества жизни пациентов с двусторонними передними вывихами суставного диска ВНЧС.....	36
7. Нурметова Ю.Б. Комплексная оценка качества лабораторных услуг: опыт Хорезмской области.....	42
8. Нурметова Ю.Б. Научное обоснование системы оценки качества лабораторно-диагностической службы Хорезмской области.....	49
9. Орифов С.С. Оценка показателей тональной надпороговой и речевой аудиометрии у больных двухсторонней сенсоневральной тугоухостью и метаболическим синдромом.....	55
10. Рахматова М.Р. Суяк тўқимасининг морфофункционал кўрсаткичларини комплекс баҳолаш методологияси.....	60
11. Сайфиддинов Ф.А., Азизова Ш.А. Ранняя диагностика открытоугольной глаукомы с использованием тонометра ICARE и тонометра Маклакова.....	66
12. Сапаев Д.А., Юнусов Р.Х. Сравнительная эффективность усовершенствованного интраоперационного комплекса профилактики осложнений кишечных стом.....	72
13. Сапаев О.Қ., Рўзматов И.Б., Дурдиев С.Х. Ўсмир ёшдаги болаларда варикоцеленинг клиник кечиш хусусиятлари.....	82
14. Тухтаева Н.Х., Бобожонов Х. Ҳозирги кунда юрак-қон томир тизими касалликларини ёшариш сабаблари.....	87

- 15. Уразметова Н.Ш., Каримова М.А.**
Менопаузача даврда аёллар йўғон ичак меъерий микрофлораси ҳолатини баҳолаш.....93
- 16. Усманов Ш.У.**
Клинические аспекты дифференциальной диагностики мигрени и болевого синдрома, связанного с дисфункцией височно-нижнечелюстного сустава: экспертный обзор для амбулаторной практики (обзорная статья).....98
- 17. Хабилов Б.Н., Эрматова Ф.Р.**
Кристаллизации смешанной слюны при нарушении минерализации костной ткани.....103
- 18. Хасанова Н.О., Ахадов Ж.Ш.**
Спектр неврологических проявлений у детского контингента с сахарным диабетом 1 типа.....111
- 19. Хошимова М.О., Сулейманова Д.Н.**
Оценка показателей фолиевой кислоты у больных с гипертонической болезнью.....115
- 20. Хусейнова Г.Х.**
Енгил даражадаги орқа мия L₂ бел сатҳидаги жароҳатланишининг ўткир ва эрта даврларида уч ойлик оқ зотсиз каламуш буйракларининг морфологик кўрсаткичлари.....119
- 21. Хусейнова Г.Х.**
Ўртача оғир даражадаги орқа мия L₂ бел сатҳидаги жароҳатланишининг ўткирлашган ва ўткир даврларида уч ойлик оқ зотсиз каламуш буйракларининг морфологик кўрсаткичлари.....124
- 22. Шавази Н.Н., Олимжонова Ф.О.**
Комплексный анализ факторов риска антенатальной гибели плода и совершенствование профилактических мероприятий по снижению перинатальной смертности в Самаркандской области.....130
- 23. Шаева Р.Г.**
Анализ характеристики локальной гемодинамики области латеральных дефектов врождённых расщелин губы и нёба.....136
- 24. Шарипова Р.Г.**
Суяк кўмигида цитогенетик кўрсаткичларнинг тимэктомиядан кейинги динамикаси.....144
- 25. Абдурахимов З.А., Насирова Р.Р.**
Улучшение качества оказания профилактической сестринской помощи при внедрении медицинской информационной системы в медицинских учреждениях, оказывающих первичную медицинскую помощь военнослужащим.....153
- 26. Маджидова Я.Н., Усманов С.А., Исамухамедова У.Р.**
Сравнительная оценка эффективности скрининговых методик М-CHAT-R и CARS.....161
- 27. Хусенова Н.Т., Маджидова Я.Н.**
Коррекция речевых нарушений у детей с autism spectrum disorder в условиях комплексной терапии с включением молекулярного водорода: динамика показателей у 57 пациентов.....171



Тухтаева Нигора Хасановна


<https://orcid.org/0009-0006-8181-041X>

Бобожонов Худойберган

xudoyberganbobojonov275@gmail.com

Тошкент Давлат Тиббиёт Университети, Тошкент, Ўзбекистон

ҲОЗИРГИ КУНДА ЮРАК-ҚОН ТОМИР ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЁШАРИШ САБАБЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19820048>

Аннотация: Ҳозирги кунда юрак-қон томир тизими касалликларининг ёшариши жаҳон миқёсида жиддий тиббий ва ижтимоий муаммога айланмоқда. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари қаторида нотўғри овқатланиш, жисмоний фаолликнинг камайиши, доимий стресс, уйқусизлик, никотин ва спиртли ичимликларнинг ортиқча истеъмоли каби омиллар муҳим аҳамиятга эга. Юрак-қон томир касалликларининг ёшаришини олдини олиш учун соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаолликни ошириш ҳамда мунтазам профилактик текширувларни йўлга қўйиш зарур.

Калит сўзлар: юрак-қон томир тизими, ёшариш, стресс, гиподинамия, атеросклероз, метаболик синдром, нотўғри овқатланиш, оксидатив стресс, профилактика, соғлом турмуш тарзи

Tukhtaeva Nigora Khasanovna

<https://orcid.org/0009-0006-8181-041X>

Bobojonov Khudoybergan

xudoyberganbobojonov275@gmail.com

Tashkent State Medical University, Tashkent, Uzbekistan

CURRENT CAUSES OF THE “REJUVENATION” OF CARDIOVASCULAR DISEASES

Annotation: Currently, the aging of cardiovascular diseases is becoming a serious medical and social problem worldwide. Among the main causes of this situation, factors such as improper nutrition, decreased physical activity, constant stress, insomnia, and excessive consumption of nicotine and alcoholic beverages are of significant importance. To prevent the aging of cardiovascular diseases, it is necessary to establish a healthy lifestyle, proper nutrition, increase physical activity, and implement regular preventive examinations.

Keywords: cardiovascular system, aging, stress, physical inactivity, atherosclerosis, metabolic syndrome, improper nutrition, oxidative stress, prevention, healthy lifestyle

Тухтаева Нигора Хасановна

<https://orcid.org/0009-0006-8181-041X>

Бобожонов Худойберган

xudoyberganbobojonov275@gmail.com

Ташкентский государственный медицинский университет, Ташкент, Узбекистан

СОВРЕМЕННЫЕ ПРИЧИНЫ «ОМОЛОЖЕНИЯ» СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

Аннотация: В настоящее время омоложение сердечно-сосудистых заболеваний становится серьёзной медицинской и социальной проблемой во всём мире. Среди основных причин этой ситуации такие факторы, как неправильное питание, снижение физической активности, постоянный стресс, бессонница, а также чрезмерное употребление никотина и алкогольных напитков, имеют значительное значение. Чтобы предотвратить омоложение сердечно-сосудистых заболеваний, необходимо формировать здоровый образ жизни, правильное питание, повышать физическую активность и проводить регулярные профилактические обследования.

Ключевые слова: сердечно-сосудистая система, старение, стресс, гиподинамия, атеросклероз, метаболический синдром, неправильное питание, оксидативный стресс, профилактика, здоровый образ жизни

Кириш. Ҳозирги замон тиббиёти ва жаҳон соғлиқни сақлаш тизими олдида турган энг долзарб муаммолардан бири — юрак-қон томир тизими касалликларининг ёшариш жараёнидир. Бу ҳолат сўнгги ўн йилликларда глобал эпидемиологик ўзгаришлар фониди янада кучайди. Илгаригида бундай касалликлар фақат катта ёшдаги аҳоли қатлами учун ҳос деб ҳисобланар эди, аммо бугунги кунда 20 ёшдан ошмаган ёшлар орасида ҳам артериал гипертония, миокард ишемик касаллиги, аритмия ва ҳатто инфаркт ҳолатлари қайд этилаётгани тиббий жамиятни жиддий ташвишга солмоқда. Халқаро тадқиқотлар, жумладан, Global Burden of Disease (GBD) 2019 натижаларига кўра, 15–39 ёш оралиғидаги шахслар орасида юрак-қон томир касалликлари туфайли юзага келган ўлимлар сони ва ногиронлик йиллари (DALY) миқдори барқарор ўсиш тенденциясига эга. Айниқса, иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлган давлатларда ёшлар соғлиғига таъсир қилувчи омиллар тезлашган суръатда ортиб бораётгани аниқланган. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида урбанизация жараёнларининг тезлашиши, экологик ифлосланишнинг ортиши ва оммавий стресс ҳолатларининг кўпайиши таъкидланади.

Юрак-қон томир тизими касалликларининг ёшаришига таъсир этувчи омиллар кўп қиррали ва бир-бири билан чамбарчас боғланган. Биринчи навбатда, инсоннинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ омиллар муҳим рол ўйнайди. Ҳозирги ёшлар ҳаётида жисмоний фаолликнинг камайиши (гиподинамия) кенг тарқалган бўлиб, кўплаб тадқиқотлар бу ҳолат юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатишини исботлаган. Масалан, Америка кардиология уюшмаси (АНА)нинг 2022 йилги ҳисоботида ёшлар орасида ҳар куни камида 8 соатдан ортиқ вақтни экран олдида ўтказиш, юрак-қон томир касалликларининг эрта ривожланиши билан боғлиқлиги кўрсатилган. Нотўғри овқатланиш ҳам муҳим патогенетик омиллардан бири ҳисобланади. Фаст-фуд маҳсулотларининг оммалашуви, тўйинган ёшлар ва тузнинг ортиқча истеъмоли, сабзавот ва мевалар етишмаслиги — буларнинг барчаси липид алмашинувининг бузилишига, атеросклероз жараёнларининг эрта бошланишига сабаб бўлади. Дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, юрак-қон томир касалликларининг тахминан 31 фоизи тўғридан-тўғри нотўғри овқатланиш натижаси ҳисобланади. Шунингдек, кўшимча шакарлар ва энергетик ичимликларнинг кенг истеъмоли ҳам организмда оксидатив стрессни кучайтиради, бу эса эндотелий химоя тизимини заифлаштиради.

Стресс, рухий зўриқиш ва уйқусизлик ҳам юрак фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Халқаро психокardiологик тадқиқотларда аниқланганидек, доимий стресс ҳолатида бўлиш симпатик нерв тизимининг узлуксиз фаоллашишига олиб келади. Натижада адреналин ва кортизол гормонлари миқдори юқорилаб, артериал босим кўтарилади, юрак уриши тезлашади ва миокард фаолиятидаги энергия сарфи ошади. Бу жараёнлар узок вақт давом этса, ёш организмда функционал бузилишлар қайд этилиши муқаррар бўлади. Шу билан бирга, никотин ва спиртли ичимликларнинг зарарли таъсири ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш зарур. Ёшлар орасида электрон сигареталардан фойдаланиш кўрсаткичи жаҳон миқёсида тобора ўсиб бормоқда. Масалан, Европада 18–25 ёшлилар орасида электрон сигарета истеъмол қилиш 2010 йилда 5 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 23 фоизга етган. Никотин қон томирларини тортиради, тромб ҳосил бўлиш хавфини оширади ва кислород етказиб беришни чеклайди. Бунинг натижасида ёшларда артериал спазмлар ва инфаркт ҳолатлари тобора кўпроқ қайд этилмоқда.

Экологик омиллар ҳам инкор этиб бўлмайдиган аҳамиятга эга. Аҳоли зич жойлашган шаҳарларда ҳаво ифлосланишининг юқори даражаси, айниқса PM2.5 ва NO₂ концентратсиясининг ортиши, қон айланиш тизимига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. 2021 йилда Lancet журналининг тадқиқот натижаларига кўра, ҳаво ифлосланиши билан боғлиқ юрак-қон томир касалликларидан келиб чиққан ўлим ҳолатлари ҳар йили дунё бўйича 4,2 миллион нафарга етган. Юрак-қон томир тизими касалликларининг ёшаришида генетик ва эпигенетик омиллар ҳам муҳим ўрин тутуди. Генетик предраспозиция — яъни ирсий мойиллик — фаол ҳаёт тарзи, стресс ёки экологик таъсирлар билан қўшилганда, касалликнинг эрта ривожланишига туртки бўлади. Эпигенетик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нотўғри овқатланиш ёки уйқусизлик натижасида юрак фаолияти билан боғлиқ генларнинг экспрессияси ўзгаради, бу эса патогенезнинг илк босқичларини шакллантиради.

Ўзбекистон мисолида ҳам бу тенденциялар кузатилмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йилги маълумотларига кўра, 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида артериал гипертензия билан рўйхатга олинган беморлар сони сўнгги 10 йилда 2,3 бараварга ошган. Бу ҳолат мамлакатдаги урбанизация, фаолликнинг камайиши ва фаст-фуд истеъмолининг кўпайиши билан боғланмоқда. Халқаро амалиётда ёшларда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш бўйича бир қатор самарали чоралар қўлланилмоқда. Масалан, Финляндияда 1970 йилларда бошланган “North Karelia Project” доирасида аҳолининг овқатланиш таркибини ўзгартириш, туз истеъмолини камайтириш ва жисмоний фаолликни ошириш орқали юрак касалликларидан ўлим ҳолатлари 25 йил ичида қарийб 80 фоизга камайган. Шу тажриба ёшлар орасида ҳам самарали профилактика дастурлари ишлаб чиқиш учун муҳим намуна бўла олади.

Ёшларда юрак-қон томир тизими касалликларининг ёшариши билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат — бу ахборот технологияларининг шиддатли ривожланиши натижасида юзага келган “дигитал гиподинамия” феноменидир. Бу ҳолат инсоннинг кундалик жисмоний фаоллигини кескин камайтиради, шунга мос равишда метаболик фаолиятни сусайтиради ва юрак ҳамда томир деворларидаги адаптив реакцияларни издан чиқаради. Масалан, Британияда 2023 йилда ўтказилган Health Data Research UK таҳлилига кўра, 18–30 ёшли ёшлар орасида ҳафтасига жами 150 дақиқадан кам ҳаракатланувчиларда юрак-қон томир касалликлари хавфи 2,4 баробар юқори эканлиги аниқланган. Шу билан бирга, смартфон ва компьютер орқали узок вақт фаолият олиб бориш натижасида баданнинг табиий қон айланиши динамикаси бузилиб, периферик қон томирларда турғунлик ва микроциркулятор оқимнинг пасайиши қайд этилган.

Шу билан бирга, глобаллашув шароитида ёшлар орасида овқатланиш маданиятининг ўзгариши ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2024 йилги ҳисоботида кўра, 15–29 ёшли ёшларнинг 62 фоизи кунига камида бир марта тайёр фаст-фуд маҳсулотларини истеъмол қилади. Бу эса организмда холестериннинг «LDL» фракциясини кўпайтириб, артериал деворларда липид инфилтратсиясини юзага келтиради. Шу жараённинг илк босқичидаёқ эндотелий ҳимоя тизими заифлашади ва қоннинг реологик

хусусиятлари бузила бошлайди. Бу патофизиологик ўзгаришлар кейинчалик юрак ишемияси, артериосклероз ёки ҳатто миокард инфаркти учун замин яратади.


Илмий жиҳатдан исботланган яна бир йўналиш — бу оксидатив стресснинг эрта шаклланиши билан боғлиқ бўлган “эрта қариш синдроми”дир. Бу ҳолатда ёш организмда реактив кислород турларининг кўпайиши антиоксидант тизимнинг заифлигидан устун келади. Натижада хужайра мембраналари, митохондриялар ва эндотелий тузилимларида қайтарилмас молекуляр шикастланишлар юзга келади. Масалан, Германиянинг Мюнхен университети олимлари 2022 йилдаги тадқиқотларида 25 ёшгача бўлган ёшларда плазмадаги малондиальдегид даражаси катталарникига нисбатан 1,8 марта юқори эканлигини қайд этган. Бу кўрсаткич эрта атероген жараёнларнинг бошланишидан далолат беради. Ёш авлод орасида психологик омиллар ҳам катта аҳамиятга эга. Рухий зўриқиш, депрессия ва ижтимоий изоляция юрак-қон томир тизими фаолиятини тўғридан-тўғри бузадиган гормонал реакцияларга сабаб бўлади. Масалан, Япониянинг Токио университети томонидан олиб борилган узоқ муддатли кузатув натижасида доимий стресс ҳолатида бўлган 20–35 ёшли иштирокчиларда кортизол миқдори нормадан икки баравар юқори бўлиб, уларда тахикардия, лабил гипертензия ва юракнинг вегетатив дисбаланси тез-тез учраган. Шу нуқтаи назардан, ёшларда юрак-қон томир касалликларининг ёшариши фақат физиологик ёки биокимёвий эмас, балки комплекс социобиологик жараён сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда инсоннинг ҳаёт услуби, психоэмоционал ҳолати, экологик муҳит ва ҳатто технологик муҳитнинг таъсири бир вақтнинг ўзида ишлайди. Мавжуд тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, агар ушбу омиллар мос равишда бошқарилмаса, келгуси 20 йил ичида юрак-қон томир касалликларининг ёшлар орасида тарқалиши кутилганидан икки баравар кўпаяди.

Ҳозирги кунда юрак қон томир тизими касалликларини энг кўп келтириб чиқараётган маҳсулотлар бу транс ёғли маҳсулотлар. Улар дўконларда ҳар куни минглаб одамлар харид қиладиган қандолат маҳсулотларига, арзон тортларга, чипсларга, колбаса ва сосискаларга қўшилади. Аслида транс ёғлар бу маҳсулотларни айниш муддатини узайтириш учун қўшилади.


РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ КАРДИОЛОГИЯ БЎЛИМИДАГИ БЕМОРЛАРДАН ОЛИНГАН СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИ ДИАГРАММА КЎРИНИШИДА



ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ШИКОЯТЛАРГА ДОИР МАСАЛАЛАР



ЮРАК-ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН МАЪЛУМ ХУДУДЛАРДАН КЕЛГАН БЕМОРЛАР КЕСИМИДА



Хулоса. Юрак-қон томир тизими касалликларининг ёшариши бугунги кунда жаҳон ва миллий миқёсда жиддий муаммага айланди. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари — гиподинамия, нотўғри овқатланиш, стресс, уйқусизлик, экологик ифлосланиш ва зарарли одатлардир. Ёшларда жисмоний фаолликнинг камайиши ва фаст-фуд истеъмоли липид алмашинувини бузиб, атеросклероз ва гипертензиянинг эрта ривожланишига сабаб бўлмоқда. Стресс ва гормонал мувозанатнинг бузилиши ҳам юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бу муаммага қарши курашиш учун соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни ошириш каби профилактик чораларни ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш зарур.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Tran, D., Zimmerman, L. M. (2015). Cardiovascular Risk Factors in Young Adults: a Literature Review. *The Journal of Cardiovascular Nursing*, 30(4), 298-310. DOI: 10.1097/JCN.0000000000000150
2. Sun, J., Qiao, Y., Zhao, M., Magnussen, C. G., Xi, B. (2023). Global, regional, and national burden of cardiovascular diseases in youths and young adults aged 15–39 years in 204 countries/territories, 1990–2019: a systematic analysis of Global Burden of Disease Study 2019. *BMC Medicine*, 21, 222. DOI: 10.1186/s12916-023-02925-4
3. Stone, N. J., Smith, S. C., Orringer, C. E., Rigotti, N. A., Navar, A. M., Khan, S. S., Jones, D. W., et al. (2022). Managing Atherosclerotic Cardiovascular Risk in Young Adults. *Journal of the American College of Cardiology*, 8, 819-836. DOI: 10.1016/j.jacc.2021.12.016
4. Jackson, D. B., Testa, A., Woodward, K. P., Qureshi, F., Ganson, K. T., Nagata, J. M. (2022). Adverse Childhood Experiences and Cardiovascular Risk among Young Adults: Findings from the 2019 Behavioral Risk Factor Surveillance System. *International Journal of Environmental Research and Public Health*, 19(18), 11710. DOI: 10.3390/ijerph191811710
5. Andersson, C., Vasan, R. S. (2018). Epidemiology of cardiovascular disease in young individuals. *Nature Reviews Cardiology*, 15(4), 230-240. DOI: 10.1038/nrcardio.2017.154
6. Nagata, J. M., Vittinghoff, E., Cheng, C. M., et al. (2024). Television Viewing from Young Adulthood to Middle Age and Premature Cardiovascular Disease Events: A Prospective Cohort Study. *Journal of General Internal Medicine*, 39, 2780-2787. DOI: 10.1007/s11606-024-08951-z
7. Xie, Y., Li, K., Ruixia, Y., Zhang, L., et al. (2024). The global burden and risk factors of cardiovascular diseases in adolescent and young adults, 1990–2019. *BMC Public Health*, 24, 1017. DOI: 10.1186/s12889-024-18445-6

ANNALS OF CLINICAL DISCIPLINE

АННАЛЫ КЛИНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН КЛИНИК ФАНЛАР ЙИЛНОМАСИ

Научно-практический журнал по всем
направлениям медицины
основан в 2024 году
Бухарским государственным
медицинским институтом
Выходит один раз в 3 месяца
Учредитель Бухарский государственный
медицинский институт